

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 336.7(575.1)*

**БОБОМУРОДОВ АДХАМ ИБРАГИМОВИЧ**

**Бозор иқтисодиётида монетар сиёсатнинг моҳияти ва уни  
такомиллаштириш муаммолари(Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки мисолида)**

**5A230101-Иқтисодий назария**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.н. доц., Исраилова Ш.Т.**

**Тошкент-2013**

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида  
дастлабки ҳимоядан ўтган. \_\_\_\_\_-сонли баённома  
«24» май 2013 йил

Илмий раҳбар: Исраилова Ш.Ҳ. Иср 24.05.2013 й  
(ф.и.ш.) (имзо) (сана)

Магистр: Ҳобемуродов А.У. А.У. 24.05.2013 й  
(ф.и.ш.) (имзо) (сана)

## Мундарижа

Кириш.....	3
I боб Мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат монетар сиёсатининг назарий-услубий асослари.....	7
1. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва пул назариялари.....	7
2. Марказий банк, унинг ривожланиш тарихи ва иқтисодиётда тутган ўрни.....	12
3. Давлат монетар сиёсатининг моҳияти ва уни амалга ошириш услублари.....	16
I боб бўйича хулоса.....	31
II боб Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсати кўрсаткичларининг ҳозирги ҳолати .....	32
1. Ўзбекистон Республикасида монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ва унинг ҳуқуқий асослари.....	32
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки монетар сиёсат кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили.....	35
3. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таҳлили.....	48
II боб бўйича хулоса.....	60
III боб Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг амал қилиш самарадорлигини ошириш истиқболлари.....	61
1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган монетар сиёсат самарадорлигини ошириш йўналишлари.....	61
2. Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда монетар сиёсат механизмларини такомаллаштириш чора тадбирлари.....	69
III боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса.....	76
Адабиётлар рўйхати.....	79

## Кириш

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб банк сектори ва пул-кредит тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам банк тизими ҳар доим ҳам ҳукумат эътиборидаги масала бўлиб қолмоқда. Ҳар йили бўладиган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва кейинги йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурларга бағишланган мажлислардаги Президент маърузаларида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва банк тизимини янада ривожлантириш йўллари белгилаб берилмоқда.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, барқарор ўсиш суръатларига эришишда давлат монетар сиёсатининг ўрни бекиёсдир. Ҳисобот даврида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати “Монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” асосида амалга оширилиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, хусусан белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди. “Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади”<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда монетар сиёсатни оқилона ташкил этилиши, барча соҳа ва тармоқларнинг самарали амал қилиши ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга касб этади. Шунинг учун пул-кредит тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқот объекти – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримовнинг 2012 асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазрлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Т.: 2013 й.

Тадқиқот предмети – республикамизда монетар сиёсатни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда Давлат монетар сиёсати амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш борасидаги назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- молия-банк тизимининг ликвидлиги ошириш ва банкларнинг инвестицион фаоллигини ошириш каби долзарб масалаларни мазмунан ёритиш;
- 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар таҳлили;
- республикада барқарор пул муомаласини ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар моҳиятини асослаб бериш;
- республикада фаолият юритаётган банк-молия муассасалари ва улар кўрсатаётган хизматлари ҳолатини таҳлил этиш;
- нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орасидаги сунъий тафовутни йўқотиш борасида тавсиялар бериш;
- Давлатнинг монетар сиёсати самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим вазифаларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Бозор иқтисодиётида монетар сиёсатнинг моҳиятини таҳлил қилиш асосида олинган хулосалар пул-кредит тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилиши мумкин.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Тадқиқотнинг илмий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг илмий асарлари ва амалда қўлланилаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ташкил қилади. Шунингдек, илмий изланиш учун назарий-илмий асос қилиб хорижлик иқтисодчи олимлар - А.Шварц, Ж.Кейнс, Ж.Флеминг, И.Фишер, Л.Катао, Л.Красавина, М.Ершов, М.Фридмен, О.Лаврушин, П.Самуэльсон, Р.Дорнбуш, Р.Манделл, Р.Маккиннон, С.Фишер каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Юртимизда монетар сиёсатни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари А.Ваҳобов, Н.Жумаев О.Олимжонов, О.Намозов, Р.Шомуродов, Т.Бобакулов, И.И.Алимов, И.Р.Тоймухамедов, Ш.Шодмонов, О.Ю.Рашидовларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларини гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлаб кузатиш, математик моделлаштириш, корреляцион-регрессион таҳлил ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг асосий натижалари мамлакатда пул-кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва жаҳон андозаларига мослаштиришга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга оширишда асосан молия-банк тизими ликвидлигини янада ошириш, замонавий хизматларни тақдим қилиш, аҳолининг банк тизимига ишончини орттириш ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш каби устувор вазифаларни давомийлигини таъминлашда ўзининг таъсирини ошириш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Марказий банк монетар сиёсатининг иқтисодиётни барқарорлаштириш ва барқарор пул муомаласини ташкил этиш борасида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва пул-кредит тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг

ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- мамлакатда юқори ўсиш суръатларига эришиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлат монетар сиёсатининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги;
- 2013 йилда кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашга пул-кредит тизимининг таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган;
- 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, республикада аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини оширишда пул-кредит механизмларидан фойдаланиш масалалари очиб берилган.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** МДИ таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажмда 5та жадвал, 13та расм ва жами 82 бетни ўз ичига олган. Фойдаланилган адабиётлар сони 34 та.

## **I-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат монетар сиёсатининг назарий-услубий асослари.**

### **1. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва пул назариялари.**

Пулнинг ҳаракати бозор иқтисодиётининг молиявий асосларидан бири бўлиб, унинг барқарорлиги пул тизими даромадлар ва харажатлар айланишига ҳаётий тус бағишлайди, бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаб беради, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга имкон туғдиради ва тўлиқ бандликка эришишни таъминлайди. Аксинча, беқарор амал қилувчи пул тизими ишлаб чиқариш, бандлилик ва нарх даражасининг кескин тебранишига асосий сабаб бўлиб, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли ишни дастлаб пул ва унинг моҳияти, турлари ҳамда пул назарияларининг таҳлили билан бошлаймиз.

Пул ижтимоий меҳнат тақсимоти, айирбошлаш, товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Қиймат шакллари ва айирбошлаш ривожланишининг тарихий жараёнини тадқиқ қилиш орқали товарларнинг умумий олами ичидан пул ролини бажарувчи алоҳида товарнинг ажралиб чиқишини тушуниш мумкин.

Пул – бу умумий эквивалент сифатида қўлланиладиган универсал товарнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа барча товарларнинг қиймати у орқали ифодаланади. Пул айирбошлаш, тўлов, қийматни ўлчаш, бойликни тўплаш воситаси функцияларини бажарадиган ноёб товардир. Ҳозирги иқтисодиётда пул муомаласи амалда товарларнинг ҳамма турлари муомаласининг ўзгармас шарти ҳисобланади. Пул туфайли товарларни қиёслаш, айирбошлашда зарур бўладиган қийматнинг ягона мезонига эга бўлиш мумкин. Пул бошқа товарларнинг қимматини ўлчаш, айирбошлашда ҳисоб-китобларни амалга ошириш воситаси функцияларини бажарувчи шунингдек, мутлоқ ликвидликка эга бўлган неъматдир.

Пул агрегатлари пул массасининг кўрсаткичларидан ташкил топади. Пул агрегатлари статистикада пуллар ҳаракатининг маълум санага бўлган ёки муайян вақт давридаги ўзгаришини таҳлил этиш учун қўлланилади.

Пул агрегатларини тузиш учун моддий неъматларнинг ликвидлиги даражасига қараб уларнинг босқичма-босқич жойлаштирилиши асос қилиб олинган. Моддий неъматларнинг ликвидлиги деганда ушбу неъматларнинг тез ва унчалик кўп зарарларсиз пулга айланиши қобилияти тушунилади. Моддий неъматларнинг ликвидлиги вақт билан ўлчанади. Моддий неъматни пулга айлантириш учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидлиги шунчалик юқори бўлади. Нақд пуллар мутлоқ ликвидликка эга, чунки уларни пулга айлантириш учун зарур бўладиган вақт нолга тенгдир.

Пул массаси қуйидаги пул агрегатларидан таркиб топган:

**M0** – муомаладаги нақд пуллар, банкноталар, хазина патталари ва металл тангалардан иборат бўлади.

M0 агрегатини пул базасидан фарқлаш зарур. Пул базаси таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари киради.  $M^0$  агрегатининг таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари расман кирмайди.

**M1** – M0 агрегати + корхоналарнинг ҳисоб-китоб, жорий ва махсус ҳисобварақларидаги маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, аҳолининг тижорат банкларидаги «талаб қилиб олингунгача» ҳисобварақларидаги депозитлари.


**M2** – M1 агрегати + аҳоли ва корхоналарнинг банклардаги муддатли омонатлари.

**M3** – M2 агрегати + давлат заёмларининг сертификатлари ва облигациялари.

**M4** – M3 агрегати + хорижий валютадаги депозитлар.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай агрегатларнинг белгиланиши турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Ушбу агрегатлар ўз

ҳолича мамлакат тўлов обороти соҳасида юз берадиган жараёнлар, жамғармалар ҳажмлари, шунингдек, ушбу жамғармани амалга оширишда қўлланилган воситаларнинг сонли ифодаси воситалари ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг жорий ҳолатини белгилашга имкон беради ва кейинги вазиятни прогноз қилишда кўмаклашади.



1.1-расм. Пул агрегатларининг фарқланиши<sup>2</sup>.

Пул агрегатларининг бир-биридан фарқланганини яққол кўриш учун 1.1-расмни кўриб чиқиш етарли. Бунда  $M_0$  ва  $M_1$  юқори ликвидли активлар,  $M_2$ ,  $M_3$  ва  $M_4$  лар эса паст ликвидли активлар сифатида ажратилган.

Монетизация коэффиценти иқтисодиётнинг пуллар билан таъминланиши даражаси ёки товар айланишининг тўлов воситалари билан таъминланиши даражасини акс эттирадиган кўрсаткичдир. Бундай коэффицент  $M_2$  пул агрегати суммаси ва ушбу иқтисодиётда мавжуд бўлган хорижий валютадаги депозитларнинг ЯИМ ҳажмига ўзаро нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Пул назарияси эркин рақобат вужудга келган даврдан анча олдин пайдо бўлган бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Асосий пул концепцияларини

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

– металистик, номиналистик, миқдорий ва монетаристик пул назарияларини кўриб чиқамиз. Бу бизга пул назариясининг шаклланиш мантиқи, турли замонавий иқтисодий мактабларнинг тарихий манбаларини тушунишга имкон беради.

Пулнинг металистик назариясининг илк намоёндаларидан бири XIV аср француз олими Н.Орем эди. Бу назария пулни қимматбаҳо металллар, олтин ва кумуш билан изоҳлайди. Пулнинг металистик назарияси ўзининг энг тугал кўринишида уни миллий бойлик сифатида пул ҳақидаги таълим билан боғлаган меркантилистлар томонидан шакллантирилди. Меркантилист-металистлар бойликни пулга, пулни эса қимматли металлларга тенглаштирадilar. Улар пул ўз табиатига кўра, олтин, бироқ олтин ўз табиатига кўра пул эмаслигини, қиймат белгилари пулнинг моҳиятини маълум вазифаларида муомала ва тўлов воситаси ввазифаларида намоён бўлиш шакли эканлиги тушунмадилар<sup>3</sup>.

Пулнинг номиналистик назарияси металистик назариядан фарқли ўлароқ, пулнинг металл билан алоқасини узиб ташлайди. Пул ички қийматдан холи бўлган шартли белгилар сифтида кўриб чиқилади. Пулнинг номиналистик назарияси вужудга келиши учун тарихий шарт бўлиб олтин қуймасидан танга пулларга ўтиш хизмат қилади, бунда пул вазни бўйича эмас, балки номи бўйича қабул қилина бошланган. Қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши билан номиналистик назарияси тарафдорларининг сони ўса бошлади ва уларнинг таъсири кучая бошлади. Олтинни муомала соҳасидан сиқиб чиқариш ва уларни қоғоз пулларга алмаштиришни тўхтатиш, шунингдек, нақдсиз ҳисоб-китоб шакллариининг жадал ривожланиши шунга олиб келдики, пулнинг номиналистик назарияси устунлик қила бошлади.

Пулнинг миқдорий назарияси товарларнинг нисбий қиймати, пулнинг харид қобилияти ва унинг ўзгариши сабаблари ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Мазкур назария асосчилари бўлиб –

<sup>3</sup> Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Маъ қазий банкнинг монетар сиёсати. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2010

Ж.Вандерлинт, Ш.Монтескье, Д.Юм ва Д.Рикардолар ҳисобланишади. XVI-XVII асрларда Европада юз берган “нархлар революцияси” пулларнинг миқдорий назарияси вужудга келишининг бевосита сабаби эди. Европага Американинг арзон олтини ва кумушининг олиб келиниши ва уларни қазиб олиш қийматининг пасайиши товарлар нархларининг жадал ўсишига олиб келди. Д.Юм бундай фавкулудда шарт-шароитларни типик деб ҳисоблаган, лекин илмий таҳлил бутунлай тескари ёндашувни талаб қилган. Д.Юм ҳам миқдорий назариянинг кейинги тарафдорлари Д.Рикардо ва Ж.Милллар ҳам олтин тангали стандарт шароитида муомалада юрган пулларнинг миқдори аввало сотиладиган товарларнинг қийматига ва янада аниқроқ қилиб айтганда, улар нархларининг суммасига боғлиқ бўлишини тушунишмаган<sup>4</sup>.

Пулнинг монетар назарияси номоёндалари бўлган монетаристлар пулларнинг миқдорий назариясининг янгича талқинини таклиф этишди. Бундай ёндашув Милтон Фридман бошчилигидаги ҳозирги монетаристлар асарларида амалга оширилди. М.Фридман статистик таҳлил асосида куйидагича формулани таклиф қилди:

$$MV=PQ$$

- ❖ **M** – муомаладаги пул миқдори ёки пул таклифи (*ingl. Money*)
- ❖ **V** – пул муомаласи тезлиги (*ingl. Velocity*)
- ❖ **P** – маҳсулот(товар ва хизматлар) бирлиги ўртача нархи (*ingl. Price*)
- ❖ **Q** – бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизмат) ларнинг умумий ҳажми (*ingl. Quantity*)

Бу формула товар ва хизматлар муомаласи учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш формуласи деб ҳам юритилади.

Пулларни монетаристлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида кўриб чиқишади, шунинг учун давлатнинг пул-кредит соҳасини нотўғри тартибга солиниши, уларнинг фикрича иқтисодий

<sup>4</sup> Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2010

таназулни келтириб чиқариши мумкин. Бундай таназулни олдини олиш учун, биринчидан, пул массасининг ўсиши суръатларини йилига 3-4% гача пасайтириш зарур эди. Шуниси характерлики, бундай суръатлар иқтисодий конъюнктуранинг жорий ҳолатидан қатъий назар тавсия этилади, чунки, монетаристларнинг фикрича, қабул қилинган қарорларнинг таъсири жиддий кечикади ва уларнинг бошланғич мақсадига путур етказади. Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш: давлат сектори миқдорларини камайтириш, давлат харажатларини, шу жумладан, ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни қисқартириш керак бўлади.

## **2. Марказий банк, унинг ривожланиш тарихи ва иқтисодиётда тутган ўрни.**

Бозор иқтисодиётида пул ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш *“Марказий банкнинг монетар сиёсати”* орқали амалга оширилади.

Пул-кредит (монетар) сиёсати – иқтисодиётнинг барқарор, самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида барқарор пул тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган пул муомаласи ва кредит соҳасида мамлакат Марказий банки томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими икки поғонадан, Марказий (эмиссион) банк ҳамда тижорат банкларидан иборат. Марказий банк – банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Марказий банк мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади.

Марказий банкнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тижорат банкларидан биров кечроқ пайдо бўлганига гувоҳ

бўламиз. Марказий банкнинг юзага келишига асосий сабаб банк тизимининг бутунлай илдан чиқиши даражасига етиши, яъни ҳар бир банк ўзича ва ўзи белгилаган миқдорда муомалага турли хилдаги, ҳамда турли номиналдаги пул белгилари чиқариши билан юзага келган. Бу ўз навбатида бевосита муомалада товарлар ва моддий қимматликларга нисбатан пулнинг бир-неча баробар кўпайишига ва оқибатда нафақат банк тизимининг, балки бутун иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келган. Бу ўз навбатида эмиссион банкларнинг марказлаштирилишига сабаб бўлган. Мазкур ҳолат эса эмиссия қилиш ҳуқуқини кўлга киритган банкнинг бошқа банкларга нисбатан барқарор ва мустаҳкам бўлишига олиб келди. Натижада банк тизимида мавжуд бўлиши керак бўлган соф рақобат йўқолиб, кўзланган натижага эришилмади. Шундан сўнг, иқтисодчилар тижорат банклари фаолиятини бошқарадиган ва фаолияти жиҳатдан улардан фарқланиб турувчи банкни вужудга келтириш зарурлигини англаб етдилар. Натижада, биринчи Марказий банк 1656 йилда Швецияда, ундан сўнг 1694 йилда Англияда вужудга келди.

Ҳар қандай давлатда Марказий банк ҳукумат банки бўлиб ҳисобланади ва унинг мавқеи ўша давлат қонунлари билан белгиланади.

Марказий банклар турли давлатларда турлича номланиши мумкин. Масалан, АҚШда – Федерал захира тизими; Германия ва Қозоғистонда – Миллий банк; Хитойда – Халқ банки; Англияда – Англия банки; Ўзбекистон ва Россияда эса, - Марказий банк деб номланади. Мазкур банклар қандай номланишидан қатъий назар, барчаси Марказий банк ҳисобланади. Бу банклар деярли барча давлатларда миллийлаштирилган ва улар давлат мулки саналади.

Марказий банк ҳукуматнинг расмий пул-кредит институти сифатида намоён бўлади ва у фойда олиш мақсадида тижорат фаолияти билан шуғулланмайди.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий банкнинг асосий мақсади бу – миллий валюта курсини

барқарор ҳолатда сақлаш ва бу орқали мамлакат ҳудудида баҳолар барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг молия-кредит тизимида энг асосий ва муҳим ўринни расмий пул-кредит сиёсатини юргазувчи – Марказий банк эгаллайди. Иқтисодиётни бутун мамлакат миқёсида тартибга солишда пул-кредит ҳамда бюджет сиёсатини чамбарчас боғлиқликда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий банк фаолиятида пул-кредит сиёсатининг асосий воситаларини эгалламасдан туриб, бозор иқтисодиётини монетар сиёсат орқали самарали тартибга солиш мумкин эмас.

Халқаро амалиётда деярли барча давлатларда Марказий банкнинг эмиссион монополияси қонун билан белгилаб қўйилади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг марказий банклари кўп ҳолларда фақат пулни зарб этиш билан эмас, балки унинг дизайни, банкноталар ҳимояси ҳамда бошқа техник масалаларни кўриб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Банкноталар банкларга номинал бўйича сотилади, аммо баъзи ҳолларда Марказий банк қўшимча хизматлар кўрсатгани учун комиссия ҳақ олади.

Марказий банк учун банкноталар товар сифатида баҳолангани туфайли давлат пулнинг номинали билан унга кетган сарф-харажатлар ўртасидаги фарқдан фойда олади, бу эса, банкнинг асосий ресурс (пассив)ларини ташкил этади.

Банкноталар (қоғоз пуллар) вақти-вақти билан инфляция таъсирига учраши мумкин. Табиийки, бу ҳол муомаладаги нақд пуллар сезиларли бўлган мамлакатларга хосдир. Агар банкноталарнинг бир қисми Марказий банкка қайтмаса (тезаврация), давлат қўшимча муомала воситаларини муомалага чиқаради, бу эса инфляция жараёнининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини юргузувчи орган бўлиб ҳисобланади, бу эса валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умум ликвидлилик ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир

ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодийни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади. Марказий банк одатда устав бўйича пул муомаласини ва миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашга жавобгар, шу мақсадда ўз сиёсатини бошқа давлат органларининг сиёсати билан мослаштиришга ҳаракат қилади.

Марказий банк аввало, давлат ва банклар ўртасида иқтисодий орқали воситачи вазифасини ўтайди. Шундай муассаса сифатида у пул ва кредит оқимини қонунда рухсат этилган воситалар ёрдамида тартибга солади.

Банкларни тартибга солиш деганда, давлатнинг Марказий банк орқали банкларнинг барқарорлигини, хавфсизлигини таъминлаши тушунилади. Ҳозирги кунда банк операцияларининг назоратида биринчи галда бутун иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш қизиқишлари ётади. Банкларнинг банкротга учраши мижозларнинг маълум йўқотишларга учраганликлари сабаб бўлиши мумкин ва бунинг оқибатида ҳатто занжирли реакция бошланиб, бутун иқтисодийга хавф солиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатига ва иш билан бандликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кўпгина ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг халқаро амалиётда орттирган тажрибаларидаги яхши жиҳатларини бизда қўллаш яхши самара бериши мумкин. Хусусан:

- биринчидан, банкноталар эмиссиясини механизмини қайта қуриш лозим. Яъни, Марказий банк банкноталарни тижорат банкларига сотиши ва касса операцияларини фақатгина улар билан амалга ошириши лозим. Банкноталар билан таъминлаб бериш масаласини тўла ҳал этиш керак;
- иккинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ривожлантириш орқали муомаладаги пул массасининг нақд пул (банкнота)лар ҳажмини қисқартиришга эришиш зарур;

- учинчидан, нақд пуллик ва нақд пулсиз оборотлар ўртасидаги сунъий фарқлиликни йўқотиш керак;

- тўртинчидан, фоиз ставкаси сиёсати орқали ялпи пул массасини тартибга солиш тизимини киритиш керак. Масалан, фоиз ставкалари кредитнинг соғломлашишига хизмат қилади демак, нақд пулсиз эмиссия фақат инфляция темплари даражаларига мос бўлгунча бўлган шароитда ёрдам бериши мумкин;

- бешинчидан, Марказий банкни фақат Олий Кенгашга ҳисоб беришлигини Қонундан яхши биламиз, лекин, қонунчиликда Марказий банк томонидан давлатнинг кредитлаш чегарасини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Акс ҳолда пул-кредит соҳасини тартибга солишда етарли даражадаги самарага эришиб бўлмайди;

- олтинчидан, ҳукумат бутун банк тизимини тартибга солиш учун ўз таъсирини камайтирган ҳолда Марказий банкка етарли ваколатлардан ва инструментлардан фойдаланиши учун барча имкониятларни яратиши керак. Яъни, иқтисодиётни эркинлаштиришни янада жадаллаштириш лозим.

Ишлаб чиқиладиган ҳар бир банк қонунчилигимизда ривожланган мамлакатларнинг банк ишидаги ютуқлари ва тажрибаларини эътиборга олишимиз керак. Акс ҳолда, бутун иқтисодиётни самарали фаолият юритишини таъминлаб бўлмайди.

### **3. Давлат монетар сиёсатини амалга ошириш воситалари ва услублари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Бунда иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришгандагина вужудга келади.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Булар жумласига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш билан бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни кўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантириш кабиларни киритиш мумкин.

1994-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдида иқтисодиётда ўсиб бораётган тўлов маблағларига бўлган эҳтиёжни оптимал даражада қондириш ва айти пайтда инфляциянинг монетар омиллари таъсирини чеклаш мақсадида пул массаси ўсиши суръатларини назорат қилиш масалалари турар эди. Шу билан боғлиқ равишда бу даврдаги пул-кредит сиёсати ҳукумат ва Марказий банк томонидан биргаликда қатъий чекланган курс асосида юритилиб, у ҳам молиявий тизимни барқарорлаштиришга, ҳам республика иқтисодиётининг устувор ва кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган эди.

Пул-кредит воситалари ва усулларини ислоҳ қилиш тактик ва стратегик вазифаларни ажратишга асосланади. Стратегик вазифа шаклланган бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатлар учун хос бўлган, пул-кредит назоратининг умумий қабул қилинган воситаларидан фойдалана бошлашдир. Ушбу мақсадга эришиш узвий равишда бир қатор босқичлар орқали амалга оширилади. Монетар тартибга солиш воситаларини такомиллаштиришни босқичларга бўлиш ўтиш даврининг муайян тарихий босқичларини ҳисобга олиш зарурати билан белгиланади.

Банк тизимининг тараққиёти аниқ белгиланган мақсад, вазифалар ва тамойилларга асосланади. Ушбу мақсад, вазифа ва тамойиллар Республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнида умумиқтисодий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини кенг кўламли ислоҳ қилиш жараёнида муҳим институционал ва тузилмавий ўзгаришларга эришилди.

Икки поғонали банк тизими яъни, Марказий банк ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари асосида тижорат банклари тизими ташкил этилди ва ривожланмоқда. Бундан ташқари банкларимизнинг етакчи хорижий банклар билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгаймоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан банк тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, тижорат банклари капиталлашувини янада жадаллаштириш борасидаги фармонларига мувофиқ қилинаётган сай-ҳаракатлар натижасида корхона ва ташкилотлар томонидан инвестицияларга бўлган талабнинг маълум даражада ўсишига эришилди.

Шунингдек, ликвидлилик устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги ва бу асосда макроиқтисодий муҳитнинг етарли даражада ривожланаётганлиги банк тизими фаолиятини нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Демак, банк тизимининг кейинги тараққиёти иқтисодиётнинг реал тармоғидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий муҳитнинг яхшиланиши билан боғлиқдир. Бундай ижобий муҳитни банк тизимига, айниқса, Марказий банк фаолиятига давлат ташкилотларининг аралашувини чеклаш ва улар мустақиллигини таъминлаш орқали вужудга келтириш мумкин.

Шу нарса характерлики, ҳозиргача пул-кредит воситаларининг туркумланиши борасида ягона бир йўналиш мавжуд эмас. Лекин, шу билан бирга кўпчилик иқтисодчи олимлар қуйида келтирилган воситаларни асосий пул-кредит сиёсати инструментлари сифатида қайд этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатини амалга оширишда қуйидаги воситалари фойдаланади:

1. Мажбурий захиралар сиёсати;
2. Ҳисоб ставкалари сиёсати;
3. Очиқ бозордаги операциялар сиёсати;
4. Валюта сиёсати;

5. Пул эмиссияси ва шу кабилар.

1.2- жадвал

**Марказий банк монетар сиёсати воситаларининг қисқача таснифи**

<i>Сиёсат инструментлари</i>	<i>Умумий тавсиф</i>
<i>Мажбурий заҳира Сиёсати</i>	Марказий банк томонидан тижорат банкларининг (ва бошқа молиявий институтлар) депозит ҳисобларига тушувчи маблағларнинг бир қисмини мажбурий заҳирага ажратиш меъёрини белгиланиши.
<i>Ҳисоб ставкалари сиёсати</i>	МБ томонидан тижорат банкларига ссудалар бериш учун ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаштириш ставкаси белгиланиши
<i>Очиқ бозор Сиёсати</i>	МБ томонидан қимматли қоғозлар савдоси ва хариди
<i>Валюта Сиёсати</i>	Мамлакатда пул таклифи миқдорига бевосита таъсир кўрсатиш. МБ валюта сотиб пул миқдорини қисқартиради, харид қилиб эса унинг миқдорини оширади
<i>Пул эмиссияси</i>	Муомаладаги нақд пуллар ўсиши

Ушбу жадвалда Марказий банк монетар сиёсатини амалга ошириш инструментлари акс эттирилган бўлиб, у монетар сиёсат моҳиятини яхшироқ тушинишга, сиёсат инструментларини бир-биридан фарқлашга хизмат қилади.

Мазкур усуллар жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усуллар ҳисобланиб, уларнинг қўлланиши ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ да кўпроқ очиқ бозордаги усуллар қўлланилса, Германияда кўпроқ мажбурий захиралар қўлланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банкининг муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар инструментида фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати, ҳозирги кунда Республика Олий Мажлиси ва Ҳукумати томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилади.

Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини тартибга солиш юзасидан мавжуд тартибларига мувофиқ, тижорат банклари мажбурий захираларни Марказий банкда сақлайдилар.

Мажбурий захиралар бу – тижорат банкларининг депозит операциялари натижасида вужудга келган банк ресурсларининг Марказий банкда фоизсиз ҳисобрақамда сақланиш талабидир. Бу эса, ўз навбатида бевосита кредитлаш имкониятларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради.

Мажбурий захиралар сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Мажбурий захиралардан пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланиш даражаси, уларга фоиз ҳисоблаш тартиби, мажбурий захиралар меъёрининг миқдори, уларни табақалаштириш каби кўрсаткичлар бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида мажбурий захиралар қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш функцияси;
2. Тижорат банкларининг кредит эмиссиясини чеклаш функцияси;
3. Тижорат банки банкрот бўлганда, унинг мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш функцияси.

Мажбурий захира миқдорларининг тез-тез ўзгариб туриши бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун характерли ҳол ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, инфляция жараёнларининг нисбатан юқорилиги ва халқ хўжалигини структуравий қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетишидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1995–2011 йиллар мобайнида мажбурий захира миқдорлари бир неча марта ўзгартирилиб келинган.

Республикада иқтисодий эркинлаштириш шароитида мажбурий захиралар меъёрини кескин пасайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, биринчидан, иқтисодий таркибий қайта қуриш жараёни ҳозирги кунда муомаладаги пул массасининг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, республикада ҳамон тайёр маҳсулотларни сезиларли миқдорда четдан келтирилиши потенциал инфляция манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги босқичдаги иқтисодий тартибга солиш тадбирлари инфляцияга қарши қаратилган бўлиши керак. Иккинчидан, мажбурий захиралар пул базасининг, унинг динамикасини олдиндан кўра билиш мумкин бўлган қисми сифатида, пул-кредит сиёсатининг муҳим объекти ҳисобланади. Шунингдек, Мажбурий захиралар орқали Марказий банкнинг кредитлар ва фоиз ставкаларига қай даражада таъсир этаётганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Мажбурий захиралар миқдорини ташкил қилишдан асосий мақсад банк тизимининг ликвидлигини таъминлаган ҳолда маълум даражада жамғармачилар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Тижорат банки ўзларининг фаолияти давомида бу фонддан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу фонд тижорат банкига унинг фаолияти тугатилганидан кейин қайтарилиши мумкин, қайтарилган маблағлар махсус тузилган тугатувчи комиссия счётига қайтарилади. Бу маблағ банк мажбуриятларини қоплаш мақсадида ишлатилади. Мажбурий захиралар миқдори ўз табиатига кўра ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий усул сифатида қаралиши мумкин.

Иқтисодий усул сифатида муомаладаги пул массасини чеклаш орқали пул бирлигининг харид қувватини мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда банк ликвидлигини таъминлайди.

Шу билан бирга бу усулнинг маъмурий томони тижорат банклари кредит ресурсларининг (анчагача 20 фоизга камайтиради) камайишига сабаб бўлади. Бу эса тижорат банкларининг манфаатларига тўла мос келмайди, чунки тижорат банклари жалб қилинган депозитларнинг таркибидан қатъий назар, мижозларга фоизлар тўлайди. Баъзи

ривожланган давлатларда ушбу усулнинг маъмурий томонини камайтириш мақсадида мажбурий захираларга фоизлар тўланади.

Шундай қилиб, мажбурий захиралар меъёрининг миқдори қанчалик кичик бўлса, муомаладаги пул массасининг ўсиши шунчалик сезиларли бўлади. Бу эса, Марказий банк томонидан пул массасининг ўсишини назорат қилишнинг заифлашаётганлигини билдиради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Мажбурий захиралар сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Марказий банкнинг монетар сиёсатининг энг аҳамиятли ва таъсирчан инструментларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсатини қуйидаги кўринишлари мавжуд.

1. Ҳисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни (ўтказма вексел) қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

2. Тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматли қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиши – бу ломбард кредити ҳисобланади. Ломбард кредит фоиз ставкаси – ломбард ставкаси ҳисобланади. Ломбард ставкаси ҳар доим ҳисоб ставкасидан икки–уч пункт юқори юради.

Капиталларнинг давлатлараро эркин тарздаги ҳаракатларида мавжуд бўлган Марказий банкнинг ҳисоб ставкасининг ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валюта маблағларининг оқиб келишига сабаб бўлади. Бу эса тўлов балансининг активлашувига ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади.

Қайта молиялаштириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган кредитларнинг берилиш

шартларини ўзгартириш йўли билан пул бозори ва капитал бозорининг ҳолатига таъсир қилишдир. Шуниси диққатга сазоворки, қайта молиялаштириш қимматли қоғозларни гаровга олмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида қайта молиялаштириш сиёсатидан иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Буни асосан республикамиз тижорат банкларининг Марказий банк кредит ресурсларига сезиларли даражада боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банкнинг кредит ресурслари мамлакатимиз банк тизимининг умумий ресурсларининг катта қисмини ташкил этади. Республикамизда бир қатор етакчи тижорат банкларида марказлашган кредит ресурсларнинг салмоғи бирмунча каттадир.

Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай банклар етакчи тармоқларни кредитлашга мўлжалланган давлат дастурларини бажаришда Республика ҳукуматининг ўзига хос агенти вазифасини ўтайдилар. Республикамиз шароитида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланганлиги учун, давлат дастуридаги маблағларнинг асосий қисми унга йўналтирилади.

Бошқа тижорат банкларининг кредит ресурслари таркибига келсак, бу ерда марказлашган кредит ресурсларининг салмоғи нисбатан камроқ. Бу ҳолат асосан, ушбу банкларнинг кичиклиги ва уларнинг кўпчилигини воситачи корхоналар ва кичик корхоналарнинг жорий фаолиятини молиялаштираётганликлари билан изоҳланади. Марказлашган кредит ресурсларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш ҳамон ҳал қилинмаган масала ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига лимитлаштирилган ҳажмда марказлашган кредитлар бераяпти. Ушбу кредит ресурслари учун ўрнатилган фоиз ставкалари орқали, Марказий банк тижорат банкларининг фоиз ставкаларига таъсир қилишга

ҳаракат қилмоқда. Йирик тижорат банклари кредит ресурсларининг сезиларли қисмини Марказий банк ресурслари ҳисобидан ташкил топиши қайта молиялаштириш сиёсатини кредит эмиссияси ҳажмига кучли таъсир қилишига сабаб бўлди. Айниқса, тижорат банкларининг кредитларини фоиз ставкаларига нисбатан чекланишнинг жорий қилиниши Марказий банкнинг кредит ресурслари бозорига таъсирини кескин оширди. Шу билан бирга, Республика Марказий банки қайта молиялаштириш сиёсатидан кредитларни халқ хўжалик тармоқлари бўйича танланма тақсимлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланди.

Республикада инфляция даражасини сезиларли даражада жиловлашга муваффақ бўлинганлиги, юқори фоиз ставкаларини қўллашда юзага келган салбий оқибатлар расмий қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тадбирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш, шубҳасиз, бу соҳада бозор механизмларидан фойдаланиш томон йўналтирилган муҳим йўналишдир. Кредит аукционлари Марказий банк кредитларининг ҳолисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққоний акс эттиради.

Демак, қайта молиялаштириш сиёсатининг анъанавий воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш юзага келгунга қадар, маъмурий мазмундаги айрим пул-кредит сиёсатининг воситаларидан фойдаланишга зарурият сезилар екан. Ушбу пул-кредит воситаси орқали кредитлаш лимитларини жорий қилиш йўли билан пул массаси ва фоиз ставкаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин.

Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари. Марказий банк монетар сиёсатининг асосий инструментларидан яна бири бу – Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларидир. Марказий банкнинг очик бозор сиёсати шундан иборатки, қимматли қоғозларга бўлган талаб ва

таклифни тартибга солиб, бунда тижорат банкларининг қизиқишларини уйғотишдир. Очиқ бозордаги операциялар деганда, Марказий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан очиқ бозордан қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши тушунилади. Очиқ бозорда амалга ошириладиган операцияларда катта миқдордаги хилма-хил қимматли қоғозлар иштирок этади. Улардан энг асосийлари сифатида Давлат хазина мажбуриятлари, Давлат қисқа муддатли облигациялари, саноат облигациялари ҳамда Марказий банк томонидан белгиланган бошқа қимматли қоғозларларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу қимматли қоғозларнинг бир қисми пул бозорига тегишли бўлса, иккинчи қисми капиталлар бозорига тегишлидир. Масалан, Давлат хазина мажбуриятлари пул бозорига тегишли бўлса, саноат облигациялари ва Давлат қисқа муддатли облигациялари капиталлар бозорига тегишлидир.

Кўпчилик ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Францияда Марказий банкнинг қимматли қоғозларни эмитентнинг ўзидан бевосита сотиб олиши очиқ бозор операцияси ҳисобланмайди, балки кредитлаш ҳисобланади. Масалан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тўғридан-тўғри сотиб олиш Давлат бюджетини кредитлаш ҳисобланади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари курсини сақлаш мақсадида амалга ошириладиган жорий операциялар ҳам очиқ бозор сиёсатига кирмайди.

Очиқ бозор сиёсатини амалга оширишнинг кенг тарқалган воситаси Давлат қимматли қоғозлари билан иккиламчи бозорда амалга ошириладиган операциялардир.

Марказий банк очиқ бозорда операциялар амалга ошириш йўли билан банк тизимининг захираларига икки усул билан таъсир қилиши мумкин:

1. Агар Марказий банк кредит институтларининг ихтиёридаги пул массасини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда у, очиқ бозорда қимматли қоғозларни сотиб олувчи бўлиб қатнашади. Бунда у қимматли қоғозларга қатъий белгиланган курс ўрнатиши ва курс ўша даражага

етиши билан таклиф қилинган барча қимматли қоғозларни сотиб олиш йўлидан фойдаланиши мумкин. Ёки таклиф қилинган пайтдаги курсидан қатъий назар, маълум турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш миқдорини белгилаши мумкин.

2. Агар Марказий банк банк тизимининг захираларини камайтиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда бозорда сотувчи бўлиб иштирок этади. Бундай ҳолатда ҳам Марказий банк куйидаги имкониятларга эга бўлади:

Марказий банк маълум курсни эълон қилиши ва қимматли қоғозларнинг курси ўша даражага етиши билан исталган миқдордаги қимматли қоғозни сотиш мажбуриятини олиши мумкин;

Марказий банк қўшимча тарзда маълум миқдордаги қимматли қоғозларни таклиф қилиши мумкин. Очiq бозор сиёсати бундай йўсинда амалга оширилганда давлатнинг қимматли қоғозларидан келадиган даромади кўпаяди. Бунинг натижасида кредит институтларининг Давлат қимматли қоғозларига бўлган қизиқиши ортади, оқибатда тижорат банкларининг кредит ресурслари имконияти камаяди ва банк кредитининг фоиз ставкалари ошади. Фоиз ставкаларининг шу йўсинда ўсиши Марказий банкни қониқтирмаса, у яна қимматли қоғозларни сотиб олиши мумкин.

Очiq бозор сиёсатининг иқтисодий тартибга солиш воситаси сифатидаги муҳим афзалликларидан бири шундаки, унинг воситасида тижорат банклари томонидан жамғармаларга тўланадиган ва кредитлардан олинадиган фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиш мумкин. Таъсир механизми куйидагича: Марказий банк иқтисодийнинг нобанк секторидаги институтлар билан очiq бозор операцияларини амалга оширишда пул бозорини тартибга солиш мақсадини кўзламайди. Айни вақтда, бундай операциялар кредит институтларининг ликвидлилигига ва фоиз ставкаларига таъсир қилади. Шундай қилиб, Марказий банк томонидан сотиб олиниш ҳуқуқига эга бўлмаган қимматли қоғозларнинг бозорда сотилиши ҳам банк тизимининг ликвидлилигини камайтиради.

Бундан ташқари, Марказий банк нобанк секторининг институтларига қимматли қоғозларни сотишда юқори фоизлар белгилаш йўли билан банкларнинг жамғармалар бўйича тўлайдиган фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

Фикримизча, республикаимиз иқтисодиётини ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларигина тижорат тузилмаларининг пул маблағларини Давлат томонидан жалб қилишнинг дастлабки ишончли воситаси бўла олади. Бунинг асосий сабаби шундаки, қимматли қоғозларнинг ушбу функцияни бажара олиш хусусияти, биринчи навбатда, уларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати эса, муомалага чиқариладиган Давлат хазина мажбуриятлари юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган молиявий манбаларга эга.

Марказий банкнинг монетар сиёсати таъсирчанлигини ошириш учун Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун биринчидан, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиш, иккинчидан, унга бевосита ва билвосита таъсир этадиган омил – мулкчиликни тўғри ташкил қилиш лозим, учинчидан, унда иштирок этадиган асосий омма – халқнинг даромадларини ошириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

Бозор иқтисодиётини бошқаришда халқаро валюта мавқеида ва бошқа мамлакатнинг кўзлаган жорий ва келажакдаги иқтисодий муносабатлари тизимида валюта сиёсати асосий муҳим рол ўйнайди. У “Кўп қиррали башорат” муҳити ҳисобланган иқтисодий сиёсатнинг асосини эгаллашда, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишда бош ўринни егаллайди.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup>И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009 й.

Валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валютавий қонунлар асосида тартибга солинади – ҳуқуқий даражаси чекланганлиги, мамлакат ичкарисида ва валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, мамлакатлараро валютавий келишувлар ХВФ Низомининг ўзгариши билан янги жаҳон валюта тизимини устунини аниқлаб беради. Валюта сиёсатини амалга оширишнинг ёълларидан бири давлатни халқаро ҳисоб-китобларини бажарилишини бошқариш ва миллий, мамлакатлараро ва ҳудудлараро валюта муносабатларини амалга оширишдир.

Валюта сиёсати – валюта муаммолари бўйича қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва татбиқ етишдан иборатдир. Валюта муносабатларини тартибга солиш бир неча поғоналардан иборат:

1. Хусусий фирмалар, биринчи навбатда валюта муносабатларида актив иштирок етаётган ва йирик валюта маблағларига эга бўлган миллий ва халқаро банклар ва коорпорациялар киради;

2. Халқаро давлат қаторидаги миллий давлатлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари).


Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра структуравий ва жорийга бўлинади:

- Структуравий валюта сиёсати – жаҳон валюта тизими структурасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуидир. Улар ҳамма мамлакатларнинг мақсадларига тўғри келадиган, алоҳида валюталарни шакллантиришга қарши қаратилган валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Структуравий валюта сиёсати жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

- Жорий валюта сиёсати – валюта курси, валюта оператцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқаришдир.

Валюта сиёсатининг қуйдаги шакллари мавжуд: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари – валюта интервенсияси, валюта резервларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютани

алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация.<sup>6</sup>



### 1.2-расм. Валюта сиёсатининг таркиби<sup>7</sup>

1.2-расмда валюта сиёсатининг таркиби, шакллари ва уни амалга ошириш воситалари акс эттирилган. Буни қуйидаги терминлар орқали тушинтириш мумкин:

Дисконт сиёсати – фоиз ставкаси ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг абсолют катталиги нисбатидан келиб чиқади. Фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган қўшимча қийматдир.

Фоиз ставкалари одатда фойда нормаси орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Ставкалар тузилиши асосида пул бозорининг одатда расмий ҳисоб ставкаси ёки Марказий банкнинг операциялари бўйича жорий ставкалари ётади.

<sup>6</sup> О.Ю.Рашидов ва бошқалар. “Пул, кредит ва банклар”. Т.: “Мах print”-2008 й. 370-б.

<sup>7</sup> Д.Р.Дадаматова.”Марказий банкнинг валюта сиёсати ва уни валюта тизимида тутган ўрни” мавзуидаги БМИ дан. ТДИУ 2008 й. 22-б.

Бу ставкалар ҳар доим фоиз ставкаларидан паст бўлади, сабаби Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинган тижорат векселлари валюта курси хавф-хатарларидан ҳолироқ бўлади.

Марказий банкнинг девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли валюта интервенсияси ҳисобланади.

Валюта интервенцияси – Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир етиш мақсадида валюта бозорида чет ел валюталарини сотиб олиши ёки сотиши демакдир.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида валюта интервенсиясидан кўзланган мақсад валюта курсининг қисқа вақт оралиғида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларга барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини истаган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас, чунки улар валюта бозорида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабли, валюта интервенсиясидан мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади. Валюта интервенсияси расмий олтин-валюта захиралари ёки Марказий банкларнинг банклараро “СВОП” битимлари ҳисобига амалга оширилади.

Девальвация бу – миллий валютани чет ел валюталарига ёки халқаро ҳисоб–китоб пул бирликларига нисбатан қадрини туширишдир.

Девальвацияни келиб чиқишига сабаб бўлиб, инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиққа эга бўлиши ҳисобланади.

Девальвация сиёсатини мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда ва мамлакатда импорт оқими сезиларли даражада кўпайганда амалда иқтисодиётга ижобий таъсир этади. Демак, девальвацияни қўллаш шарт-шароити юзага келганда, уни дарҳол амалга ошириш лозим.

Ревальвация бу – миллий валютани чет эл валюталарига ёки ҳисоб–китоб пул бирликларига нисбатан қадрини оширишдир. Ревальвация қадри кучли валюталарга нисбатан қўлланилади. Валютавий чеклашлар одатда

мамлакатлар ҳудудида олтин ва валюта қимматликларини чиқиб кетишини олдини олиш ва шу асосида чет эл валюталарига бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

### **I боб бўйича хулоса.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пул муомаласи муносабатларини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш, валюта соҳасида юзага келадиган турли ҳолатларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса, иқтисодиётнинг пул-кредит ва валюта муносабатларини тартибга солиш, Марказий банкнинг монетар сиёсатини такомиллаштириш ва унинг воситаларидан фойдаланиш масалаларини чуқур таҳлил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Марказий банклар монетар сиёсат функциялари орқали банк тизимини бошқаради ва уларни тартибга солади. Мажбурий захиралар сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Марказий банкнинг монетар сиёсатининг энг аҳамиятли ва таъсирчан инструментларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Қайта молиялаштириш сиёсати орқали эса кредитлаш лимитларини жорий қилиш ва бу билан пул массаси ва фоиз ставкаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин. Марказий банкнинг монетар сиёсати таъсирчанлигини ошириш учун Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун биринчидан, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиш, иккинчидан, унга бевосита ва билвосита таъсир этадиган омил – мулкчиликни (хусусийлаштиришни) тўғри ташкил қилиш лозим, учинчидан, унда иштирок этадиган асосий омил – халқнинг даромадларини ошириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

## **II-боб. Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсати кўрсаткичларининг hozирги ҳолати.**

### **1. Ўзбекистон Республикасида монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ҳамда унинг ҳуқуқий асослари.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, илк кунларданок бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки поғонали банк тизимини ташкил этиш, кўплаб қонунчилик ва тузилмавий масалаларни ҳал этиш зарур масала сифатида кун тартибига кўйилди.

Бунга кўра Марказий банк ва банк фаолиятига оид янги қонунларни тайёрлашда банклар ваколатига кирувчи вазифалар, янги банкларнинг мулкчилик тузилмасининг йўл кўйилиши мумкин бўлган шакллари, банкларни таъсис этиш ва тугатиш қоидалари, Марказий банкнинг монетар сиёсат ва назорат этиш вазифаларини амалга оширишдаги мустақиллиги, пул-кредит сиёсати воситалари ва иқтисодий меъёрлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиб олиш лозим эди.

Миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши ва молиявий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш вазифаси унинг ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш, бозор талабларига мувофиқ равишда банклар фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солувчи алоҳида қонуннинг ишлаб чиқилишини талаб қилди. Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва хорижий марказий банклар амалиётидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Натижада, 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки сингари обрўли молиявий ташкилотларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати

воситалари ёрдамида иқтисодиётни тартибга солувчи орган сифатидаги мақомини шакллантиришда муҳим воқеа бўлди.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий банк пул-кредит сиёсатини юргузувчи орган бўлиб хисобланади, бу эса валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умум ликвидлилик ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодиётни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади. Марказий банк одатда устав бўйича пул муомаласини ва миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашга жавобгар, шу мақсадда ўз сиёсатини бошқа давлат органларининг сиёсати билан мослаштиришга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг молия-кредит тизимида энг асосий ва муҳим ўринни расмий пул-кредит сиёсатини юргузувчи – Марказий банк эгаллайди. Иқтисодиётни бутун мамлакат миқёсида тартибга солишда пул-кредит ҳамда бюджет сиёсатини чамбарчас боғлиқликда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий банк фаолиятида пул-кредит сиёсатининг асосий воситаларини эгалламасдан туриб, бозор иқтисодиётини монетар сиёсат орқали самарали тартибга солиш мумкин эмас.

Шунингдек, 1996 йил 25 апрелда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши банкларнинг мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда фаолият кўрсатиши аниқ белгиланган ҳолда тижорат банкларининг барқарор фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратди.

Бундан ташқари, 1996 йилнинг 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, дастлабки пайтда Давлат қимматли қоғозлари билан боғлиқ операциялар кенг кўламда ривожланиши ва бу бошқа турдаги қимматли қоғозларнинг ривожланишига имконият яратиб бериши керак.

Ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматли қоғозлари Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги иқтисодий шароитида энг қулай ва ликвидли қимматли қоғозлардир. Унинг муваффақиятли тарзда очиқ бозор сиёсатининг воситаларига айланиши бошқа турдаги ҳукумат қимматли қоғозларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, молия бозорлари ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг марказий банклари давлат қимматли қоғозлар бозори воситаларидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ўз миллий валюталарининг барқарорлигини таъминлаш учун фойдаланадилар. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелида Давлат қисқа муддатли облигациялари катта улушни ташкил этиши қимматли қоғозлар бозори ривожланаётганлигидан ва хусусан унда кредит институтлари фаол иштирок этаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, қуйидагилар валюта назорати органлари ҳисобланади: Марказий банк, Молия Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталаридир. Уларнинг ҳар бири ўз вазифа ва функцияларига эгадир. Ваколатли банклар эса валюта назорати агентлари ҳисобланади. Валюта сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир. Лекин, уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Валюта сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул – кредит сиёсати билан узвий боғлиқдир. Уларнинг иккаласи ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан

иқтисодий ислохотлар мобайнида кўрилган чора – тадбирлар қуйидаги натижаларга эришишга қаратилгандир:

1. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;
2. Самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этиш;
3. Иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил этиш;
4. Тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
5. Биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
6. Хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
7. Давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
8. Халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;
9. Валюта курсини самарали тартибга солиш;
10. Миллий валютанинг ички конвертирланишини таъминлаш.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб Республикамиз Банк тизими кўплаб кўрсаткичлар бўйича жаҳон талабларига мослаштирилди ва унинг барқарор ривожланиши учун етарли ҳуқуқий баъза шакллантирилди. Бунинг Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пухта ўйланган, қатъий пул-кредит сиёсати мисолида кўриш мумкин.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсат кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили.**

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсати “Монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” асосида амалга оширилиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, хусусан белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди. Бунда, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш

суръатларига мувофиқ иқтисодиётнинг пулга бўлган ошиб бораётган талабини тўлиқ қондириш ва банк тизими ликвидлигини мақбул даражада сақлаб туриш орқали инфляция даражасини белгиланган мақсадли параметридан оширмаслик мақсадида Марказий банк ўз тасарруфидаги пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланди.

Ўтган йилда Марказий банк томонидан пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди(2.1-расм).



**2.1-расм. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси<sup>8</sup>**


Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар

<sup>8</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди(2.1-жадвал).

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди(2.2-расм).



2.2-расм. Мажбурий резервлар қолдиғи<sup>9</sup>

2.2-расмдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, 2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар қолдиғи 2011 йилга нисбатан қарийб 32% га ўсган, бу эса жалб қилинаётган депозитлар ҳажмининг кўпаяётганидан далолат беради.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисоб варағига қўшимча равишда 3 176 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

<sup>9</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

Мажбурий резервлар меъёрлари(фонзда)<sup>10</sup>

Амал қилиш муддати	Юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг 3 йилдан ошиқ муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари учун
1994 йил 1 майдан	30		10	30
1995 йил 1 январдан	25		10	25
1996 йил 1 июлдан	25		10	
1997 йил 1 декабрдан	20		10	
2000 йил 1 майдан		20		
2005 йил 1 февралдан		15		5
2005 йил 1 августдан		15		8
2007 йил 1 сентябрдан			13	
2008 йил 1 ноябрдан			15	
2009 йил 1 сентябрдан	15	12	10,5	Чет эл валютасидаги депозитлар учун ҳам шу меъёрлар ўрнатилган

2.1-жадвал маълумотларидан кўриняптики, Марказий банкнинг мажбурий захиралар меъёри олдинги йиллардан фарқли равишда, жалб этилаётган депозитлар муддатида келиб чиқиб, табақалаштирилган тарзда белгиланган. Бу эса тижорат банкларининг кредит таклифига ижобий таъсир этади ва бу жараённинг ўзи монетар сиёсатнинг такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди. Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди(2.2-жадвал).

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган катъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Хусусан, 2012 йилда пул бозоридаги фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасига яқинлаштириш борасида амалга оширилган чоратadbирлар натижасида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидан буён 0,3 фоиз бандга ўсиб, декабрь ойида 11,0 фоизни ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1994-2013 йилларда  
қайта молиялаш ставкалари<sup>11</sup>**


Амал қилиш муддати	фоизда
2011 йил 1 январь - ҳозиргача	12
2006 йил 15 июль - 2010 йил 31 декабрь	14
2006 йил 1 январь - 2006 йил 14 июль	16
2004 йил 21 декабрь - 2005 йил 31 декабрь	16
2004 йил 5 июль - 2004 йил 20 декабрь	18
2003 йил 10 сентябр - 2004 йил 4 июль	20
2003 йил 16 июль - 2003 йил 9 сентябрь	24
2002 йил 1 январь - 2003 йил 15 июль	30
2000 йил 1 июль - 2001 йил 31 декабрь	24
2000 йил 1 июнь - 2000 йил 30 июнь	27,6
2000 йил 1 май - 2000 йил 31 май	28,8
2000 йил 1 апрель - 2000 йил 30 апрель	30
1998 йил 1 январь - 2000 йил 31 март	36
1997 йил 1 ноябрь - 1997 йил 31 декабрь	30
1997 йил 1 январь - 1997 йил 31 октябрь	39,6
1996 йил 1 август - 1996 йил 31 декабрь	48
1996 йил 1 июль - 1996 йил 31 июль	60
1995 йил 1 август - 1996 йил 30 июнь	84
1995 йил 1 июль - 1995 йил 31 июль	120
1995 йил 20 март - 1995 йил 30 июнь	300
1995 йил 1 февраль - 1995 йил 19 март	250
1994 йил 1 октябрь - 1995 йил 31 январь	225
1994 йил 2 май - 1994 йил 30 сентябрь	150

2.2-жадвал маълумотларига кўра, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси мустақилликнинг дастлабки йилларида катта

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида тузилган.

тебранишларга эга бўлган ва унинг даражаси 300% гача кўтарилган. 2011 йилнинг январ ойидан бошлаб 12% қилиб белгиланди. Бу кўрсаткич эса жаҳон амалиётига тўла мос келади.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиши каби омиллар таъсирида, 2012 йил давомида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан декабрь ойининг охирида 6,4 фоизгача, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ставка эса 6,8 фоиздан 6,0 фоизгача пасайди.




2.3-расм. Ўзбекистон Республикаси пул бозоридаги ўртача фоиз ставкалари динамикаси<sup>12</sup>

2.3-расмдаги маълумотларга кўра, 2012 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган жами кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасини ҳам йил бошидаги 14,3 фоиздан декабрь ойига келиб 13,6 фоизгача пасайиши кузатилди. Жумладан, тижорат банкларининг кредит

<sup>12</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

портфелида узоқ муддатли кредитлар улушининг ошишини рағбатлантиришга қаратилган фоиз сиёсатининг олиб борилиши натижасида узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,5 фоиздан 12,2 фоизга пасайди.

2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали Марказий банк томонидан сўм алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усули қўлланилди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди. Натижада 2012 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 10,5 фоизга пасайиб, 2013 йилнинг 11 июнь ҳолатига кўра бир АҚШ доллари 2088,10 сўмни ташкил қилди(2.4-расм).



**2.4-расм. 1994-2013 йиллардаги расмий алмашув курси динамикаси (сўм/АҚШ долл.)<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.4-расмдаги графикдан кўриш мумкин, 2012 йилда Марказий банк томонидан халқаро валюта бозоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Бунда ички валюта бозорига ташқи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш уни самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегияси қўлланилди.

Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди.

2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади(2.5-расм).




**2.5-расм. 2001-2012 йиллар мобайнида инфляция суръати динамикаси<sup>14</sup>**

2.5-расмдаги инфляция суръати графигидан кўриш мумкинки, 2005 йилдан бошлаб ҳозирга қадар инфляция даражаси йиллик 7-8% дан

<sup>14</sup> Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни  
 ҳаётовлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг  
 ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди. Жумладан, ўтган  
 йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг  
 инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи  
 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди.  
 Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол баҳолари индексига  
 таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди. (2.6-расм).



**2.6-расм. Ўзбекистонда 2012 йилда нархлар ўзгаришининг  
 инфляцияга таъсири, фоизда<sup>15</sup>**

2.6-расм маълумотларига кўра ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, уларнинг истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди<sup>16</sup>.

2013 йилда монетар сиёсат ва банк тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йилда мамлакатимизни

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажаришга қаратилади. Хусусан:

➤ иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

➤ иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

➤ йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

➤ мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шarti ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

➤ иш ўринларини ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш борасида банк тизимида дастурий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2013 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари қилиб белгилаб олинди.

2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг 8,0 фоизга ўсиши, саноатнинг 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг қарийб 16 фоизга ошиши ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизгача ўсиши прогноз қилинмоқда<sup>17</sup>.

<sup>17</sup> И.А.Каримовнинг 2012 асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазрлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Т.: 2013 й.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари юқори кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобига таъминланиши кутилмоқда.

2013 йилга тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига мувофиқ, унинг дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмаслик ҳамда уни тўлиқ ноинфляциян манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, жаҳон бозоридаги нархлар динамикасини, шунингдек, ички талабни рағбалантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда, 2013 йил учун инфляция даражаси 7-9 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

2013 йилга мўлжалланган пул-кредит кўрсаткичларининг прогнози Ҳукумат томонидан белгилаб берилган юқоридаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогноз параметрларига мувофиқ белгиланди.

Ушбу асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози доирасида, 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга ўсишининг пулга бўлган реал талабларини ва аҳоли даромадлари ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, пулнинг жамғариш омилини инобатга олган ҳолда, ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулотга нисбатининг 1,0 фоиз бандга ошиши прогноз қилинмоқда.

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш мақсадида 2013 йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттиради ва

ушбу мақсадда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фаол фойдаланади. Жумладан, тўлов балансининг прогноз параметрини ҳисобга олиб, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимини олдини олиш мақсадида, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган стерилизация операциялари ҳажмини 1,3 мартагача ошириш мўлжалланмоқда.

Фоиз сиёсатида асосий эътибор пул бозорининг барқарорлигини ва банк депозитлари жозибadorлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

Пул массасининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари прогнози ва инфляциянинг 7-9 фоизли мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини 2013 йил давомида 12 фоиз даражада сақлаб туриш режалаштирилмоқда.

Валюта алмашув курси экспортни рағбатлантирувчи ва инфляциянинг олдини олишга қаратилган механизм сифатида қўлланилади. Ушбу мақсадда ўзгариб боровчи бошқариладиган алмашув курси стратегияси қўлланилади ва алмашув курси мақсадли коридор доирасида ушлаб турилади. Бунда асосий эътибор сўмнинг реал эффектив алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

2013 йилда Марказий банк, ички ва ташқи молия бозорларидаги ҳолатлардан келиб чиқиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларини қўллаган ҳолда пул-кредит сиёсати юритишни давом эттиради.

### **3. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг таҳлили.**

Ҳисобот йилида республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажминини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

2010-йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди<sup>18</sup>.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада 29 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 4 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Республикада фаолият юритилаётган барча банк муассасалари сони 9 551 тага етди, жумладан, банкларнинг филиаллари 829 тани ташкил этди. Республиканинг ҳар 100 мингта катта ёшли аҳолисига йил якунига ўртача 49,7 та банк муассасаси хизмат кўрсатди, бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464 сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан “юқори” баҳога мувофиқ келади.

Республикада банк инфратузилмасининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига хизмат қилмоқда. 2012 йил давомида банк тизимида амалга оширилган ислохотлар доирасида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар давом эттирилди. Хусусан, акциядорлик-тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди.

Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми “Тошкент” республика фонд биржаси орқали бирламчи очик савдоларда жойлаштирилди. Натижада тижорат банкларининг жами капитали 2012

---

<sup>18</sup> И.А.Каримовнинг 2012 асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазрлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Т.: 2013 й.


йилда 24,3 фоизга ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига 6,2 трлн. сўмни ташкил этди.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Натижада, банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2012 йил бошига нисбатан 31,5 фоизга ортди. Жумладан, аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми 34,6 фоизга ўсди.

“Мустаҳкам оила” давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликларни кенгайтириш мақсадида янги муддатли ва жамғарма омонат турлари жорий этилди. Умуман олганда, аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сони 250 тадан ошди.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит сертификатлари 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 445,6 млрд. сўмни ҳамда инвесторлар ўртасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 258,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу тадбирлар, ўз навбатида, банкларнинг актив операциялар ҳажмини, жумладан, кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини ошишига замин яратди.

Тижорат банкларининг жами активлари йил давомида 30,2 фоизга ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 35,7 трлн. сўмга етди(2.7-расм).



**2.7-расм. Тижорат банклари жами активлари қолдиғининг динамикаси<sup>19</sup>**

2.7-расм маълумотларига кўра, 2013 йил 1 январ ҳолатига тижорат банкларининг жами активлар қолдиғи 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 70%га ўсган. Бу эса мамлакатизда молия-банк тизимининг ликвидлигини ошириш, тизимни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар натижасидир.

Банklar томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 20,4 трлн. сўмни ташкил этди (2.8-расм).



**2.8-расм. Тижорат банклари кредит қўйилмалари динамикаси<sup>20</sup>**

<sup>19</sup> Ф.Муллажонов. 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. '01(188)'2012/Бозор, пул ва кредит.

<sup>20</sup> Ф.Муллажонов. 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. '01(188)'2012/Бозор, пул ва кредит.

Расмдаги маълумотларга кўра, 2013 йил 1 январ ҳолатига тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 30,5 фоиз, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 76,7 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичлар самарали кредит сиёсатининг юритилаётгани, кредит фоиз ставкаларининг туширилиши, иқтисодий фаолият юртишга берилаётган рағбатлар натижасидир.


Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса, 76,8 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 30,7 фоизга ошди.

Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш”, «2012 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди(2.9-расм).



**2.9-расм. Инвестициявий кредитлар динамикаси<sup>21</sup>.**

2.9-расмда тижорат банкларининг инвестицион кредитлар динамикаси акс эттирилган. Унга кўра инвестицион кредитлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ўсган. Бу банкларнинг инвестиция дастурларида фаол иштирок этаётганидан дарак беради. Инвестициявий кредитларининг ижобий томони шундаки, бу кредитлар бевосита ишлаб чиқариш объектларини қуриш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилади.


Инкирозга қарши чоралар дастури, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларида белгиланган вазифаларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати. Банк ахборотномаси газетаси №5 (872), 2013 йил 30 январ.

тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида банклар томонидан 388 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди.

Умуман олганда, банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди(2.10-расм).



2.10-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси<sup>22</sup>

2.10-расмдаги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлаш даражаси йилдан

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати. Банк ахборотномаси газетаси №5 (872), 2013 йил 30 январ.

йилга юқори суръатларда ўсмоқда. Бунга сабаб давлат ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида солиқ ва кредит имтиёзлари берганидир. Чунки ҳозирги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улуши беқиёс.

Шунингдек, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 978,2 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 трлн. 41,3 млрд. сўм имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 42,3 млрд.сўм халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида банк тизимиغا юклатилган вазифалар тўлиқ ижро этилди. Жумладан, 2012 йил мобайнида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 97,8 млрд. сўм хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадларига 491,7 млрд. сўм, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга жами 77,6 млрд. сўм мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга 339,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Ўтган йилда, оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, жумладан мебеллар, маиший техникалар ва бошқа турдаги узок фойдаланиладиган жиҳозларни сотиб олишга жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан 15 мингта ёш оилага уч йиллик қайтариш муддати билан 81 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 9,5 млн. донага, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони эса қарийб 112,7 мингтага етди. Ўз навбатида, 2012 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 11,6 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ошди.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида, банклар Кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларини тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши томонидан маъқулланиш механизмлари жорий қилинди. Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда ва унинг воситачилик роли кенгаймоқда ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада ошиб бормоқда.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан баҳоланиб келинмоқда ва 2012 йил якунига кўра ҳам банк соҳаси бўйича индикаторлар “юқори даража”даги баҳоларга эга бўлди. Жумладан, республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган халқаро меъёрга нисбатан 3 баробар юқори ҳамда банк тизими ликвидлиги 65,5 фоизни ташкил қилиб, талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлишининг таъминланганлиги халқаро молия ташкилотлари ва ҳамжамиятнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори асосида 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилган, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жумладан, молия-банк соҳаси фаолиятини баҳоловчи индикаторларнинг ҳар чорақдаги натижалари тижорат банкларининг ҳудудлардаги филиаллари депозит базаси ва кредит қўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги ва уларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг юқорилигини кўрсатди. Натижада, “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтингини олган тижорат банклари сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, ушбу етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 28 тага етди.

2013 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади. Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизимини ва алоҳида банкларни юқори халқаро рейтинг баҳоларига эга

бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Бунда банк тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида 2013 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари давом эттирилади. Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг техник кўмагида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган янги стандартларни жорий этиш кўзда тутилган.

2. Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига (МҲҲС) тўлиқ мослаштириш борасидаги тадбирлар Жаҳон банкининг техник кўмагида амалга оширилади.

3. Тижорат банклари ресурс базасини янада ошириш ва диверсификациялаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари давом эттирилади.

4. Иқтисодийнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган банк кредитлари ҳажмларини янада кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш жорий йилдаги муҳим вазифалардан биридир. 2013 йилда тижорат банклари томонидан

иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредит қўйилмалари ҳажмининг 25 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қишлоқ жойларда лойиҳавий янги турар-жойларни барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олиш каби инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан 6,0 трлн. сўмдан зиёд кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Жумладан, 2013 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги турар жойларни барпо этишга барча манбалар ҳисобидан 796 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратиш прогноз қилинмоқда. Шундан 251 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан берилади.

5. Тижорат банклари балансига олинган молиявий нобарқарор ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш ва стратегик инвесторларга сотиш ишлари давом эттирилади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган. Шунингдек, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

7. 2013 йилда банк тизими фаолиятини баҳолашда етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш амалиётини янада

кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилади. Бунда республика тижорат банклари томонидан «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» етакчи халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини мунтазам равишда янгилаб бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

8. Микромолиялаш соҳасини ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилади.

9. Молия-банк тизими фаолиятини халқаро андозалар ва тамойилларга янада мувофиқлаштириш мақсадида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминланади.

10. Банклар ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилади.

## **II боб бўйича хулоса**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб Республикамиз Банк тизими кўплаб кўрсаткичлар бўйича жаҳон талабларига мослаштирилди ва унинг барқарор ривожланиши учун етарли ҳуқуқий баъза шакллантирилди. Буни Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пухта ўйланган, қатъий пул-кредит сиёсати мисолида кўриш мумкин.

2012 йилда мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Банк тизими кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беришига, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори баҳоларга эришилди.

### **III-боб. Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг амал қилиш самарадорлигини ошириш истиқболлари.**

#### **1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган монетар сиёсат самарадорлигини ошириш йўналишлари.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган ва ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш тамойилларига мувофиқ, аввалбошданок қатъий пул-кредит сиёсатини юритди.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати самарадорлиги мамлакатдаги пул бозорининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг очик бозор операциялари, қайта молиялаштириш сиёсати, шунингдек, валюта интервенцияси мос равишда бевосита пул бозорининг таркиби ҳисобланган қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари бозори, банклараро кредитлар бозори ва валюта бозорида амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, Республикамиз жорий валюта бозорида ликвидлиликни таъминлашда Марказий банкнинг монетар сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз Марказий банкнинг монетар сиёсатини амалга оширишда ҳам кредит сиёсатидаги тамойилларга амал қилиб, асосий эътиборни юқори технологик ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиришга қаратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Республикамиз томонидан жалб қилинаётган хорижий инвестиция маблағлари биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасига ва муҳим ижтимоий соҳаларга йўналтирмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида конвертациялашнинг бутун оғирлиги ушбу манбалар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳозирги бозор иқтисодиётида катта валюта

тушумлари асосан юқори технологияли экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ҳисобига таъминланади. Шунинг учун, ҳукумат ва Марказий банкнинг мустақиллик йиллари ва бугунги кундаги сиёсати айнан шундай экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз нутқларидан бирида: “Фақат иқтисодиётимизнинг асосий ва етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширсаккина, маҳсулотимиз экспорти ўсишига эришишимиз, тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашимиз ва шу билан иқтисодий мустақиллигимизни кафолатлашимиз мумкин”, дея таъкидлаган эдилар. Масала шу тарзда қўйилганда миллий валютани конвертациялашда юқори технологияли ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва экспортдан олган даромадларнинг бир қисмини мамлакатимиз иқтисодиётига қайта инвестиция қилаётган қўшма корхоналарга устунлик берилади. Муҳим халқ истеъмоли молларини ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, республика иқтисодиётининг асосий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган товар ишлаб чиқарувчиларимиз ҳам бундай ҳуқуқдан фойдаланадилар. Бошқача айтганда, валюта ресурслари биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва технологиялар билан шуғулланаётган корхоналарга берилмоқда.

Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориши ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар эса эл-юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишни кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларимизга тўла мос келади.

Халқаро валюта фондининг тавсияларига биноан, 1994 йилдан бошлаб, ҳозирги вақтгача пул-кредит сиёсати жуда қаттиққўллик билан ўтказилмоқда. 1996 йилда пул массаси ва инфляциянинг ўсиш суръатлари пасайишига катта таъсир кўрсатган омил – пул-кредитни тартибга солишнинг илғор воситалари жорий этилиши, бюджет операциялари

камомадини давлат қисқа муддатли облигациялари билан таъминлаш ноинфляция усулининг қўлланилиши бўлди. Шу ердан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати бир бутунликни ташкил этувчи иккита мураккаб вазифани ҳал этиши - иқтисодий ўсиш жараёнларини ривожлантиришга кўмаклашиши ва инфляцияни назорат остида тутиб туриши керак. Иқтисодий ўсиш эса бош вазифадир, албатта. Ислохотларни молиявий таъминлаш муаммоларини муҳокама қилиш давомида масалаларнинг икки йирик блоки кўндаланг бўлиб турибди.

Ўзининг ислохот моделига эга бўлган Ўзбекистон иқтисодий ўсиш шароитларини ҳам, инфляция суръатларини кескин камайтириш вазифасини ҳам нисбатан осонроқ ҳал этишнинг уддасидан чиқмоқда, деб айтиш учун барча асослар мавжуд.

Республикамизда кредит ва валюта маблағлари исроф қилиб юборилаётгани йўқ. Балки, ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга сарфланмоқда. Асосан, ишлаб чиқариш аҳамиятига молик бўлган объектлар қурилиши ҳажми кескин кенгайиб бораётганлиги фикримизни тасдиқлайди. Молиявий ресурслар етишмаётган шароитда иқтисодий ўсишни қисқа муддатларда таъминлаш осон вазифа эмас. Бу вазифа молиявий, шу жумладан, валюта маблағларидан фойдаланишга оқилона ёндашишни талаб этади. Бунинг учун пулнинг иқтисодиёт таркибини янгилаш жараёнига таъсир қиладиган, бинобарин, ислохотлар муваффақиятини таъминлайдиган ишлаб чиқариш соҳаларига сарфламоқ керак. Бу ўринда Марказий банк маблағларни бир ерга жамлаб, тижорат банклари томонидан уларнинг экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган тармоқларга, асосий фондлар ва технологияларни янгилашга сарфланиши учун шароит яратишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Бинобарин, иқтисодий ўсиш вазифаларини ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан инвестиция кредитлари ажратилишидан ташқари,

валюта маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳам керак бўлади. Шу сабабли, давлатимиз ўзининг валюта сиёсатида ҳам кредит сиёсати тамойилига амал қилади. Яъни, юксак технологияли ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиришга устунлик беради. Ўзбек сўмининг ҳозирги вақтда чекланган ички конвертацияга эга эканлиги ва республика валюта бозорининг ҳолати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг мақсади ва йўналишларининг ўзига хослигини юзага келтиради. Бу ўзига хослик, энг аввало, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини барқарорлаштириш ва ички валюта бозорини ривожлантириш - монетар сиёсатнинг бирламчи вазифаларидан эканлиги намоён бўлади.

Валютани тартибга солиш соҳасидаги мавжуд чора-тадбирлар ички бозорни жаҳон бозорларидаги рақобатга бардош бера олмаган хорижий маҳсулотларнинг эндигина ўз ишлаб чиқаришини қайта қураётган ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга оқиб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган. Валютани тартибга солиш шартлари, шу жумладан, конвертация тартиб-қоидаси айти шундай молларнинг кўплаб келтирилишига тўсқинлик қилади.

Кейинги йилларда ички инфляция даражасининг пасайиши Ўзбекистон Республикаси товар ва хизматларнинг экспортини импортга караганда бирмунча ўсишига олиб келмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги жозибадорлигига таъсир кўрсатиши, шунингдек, Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотни экспорт қилишдан манфаатдорлигини оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кучли восита миллий валютанинг реал курсини девальвация қилишдан (девальвация суръатлари инфляция суръатларидан юқори бўлганида) иборатдир. Шу мақсадда сўнгги йилларда Ўзбекистон сўмининг АҚШ долларига нисбатан силлиқ девальвацияси амалга ошириб келинмоқда.

Инфляция ўзи билан бирга катта иқтисодий ва ижтимоий харажатларни олиб келади. Натижада ресурслар нотўғри жойлаштирилади

ва бу ўз навбатида, иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Шунингдек, инфляция иқтисодий вакилларга ўз фаолиятини келгусида режалаштиришга халақит беради, ҳамда уларнинг олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч даражасини пасайтиради. Бундан ташқари, у миллий даромадни аҳолининг бир қисми фойдасига ва иккинчи қисми зарарига қайта тақсимлайди. Шу боисдан инфляцияга қарши кураш бутун дунёда ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори суръатдаги инфляция кузатилган ҳамма жойларда у аҳолининг турмуш даражасига ёмон таъсир кўрсатган. Бундай мамлакатларда барқарорлаштиришга доир барча дастурларнинг диққат марказида инфляцияга қарши кураш масаласи туриши бежиз эмас. Амалиётда ўтиш даври иқтисодиёти ҳукм сурган кўпгина мамлакатлар инфляция даражасини бир йилда 20-40 фоизга туширдилар, лекин уни янада пасайтириш ҳамма вақт ҳам кутилган натижаларни беравермайди. Ўзбекистонда энг катта инфляция 1992-1994 йилларда кузатилди. Инфляциянинг юқори даражада бўлишига шароит яратган бошқа омил нархларнинг даставвал паст даражада бўлганлигидир. Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган давлатларда ишлаб чиқариш ва миллий даромаднинг пасайиши натижасида тўлов қобилиятининг тушиши республикалар ўртасида товар айланмаси сезиларли даражада камайиб кетганлигининг асосий сабабларидан бири бўлди. Бундан ташқари, собиқ Совет Иттифоқининг бошқа давлатлар билан илгариги иқтисодий алоқалари бузилганлиги, уларнинг ўз валюталарини киритганликлари, мустаҳкам тўлов тизимининг йўқлиги Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан савдо қилишга ўтишига объектив таъсир кўрсатди.

Юқорида қайд этилган масалалар тўла ҳал қилинса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатини янада такомиллаштириш, демакки, натижада банк тизимини янада ривожлантириш мумкин. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатларини

ошириши ва натижада аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаши мумкин бўлар эди.

Шунинг билан бирга монетар сиёсат самарадорлигини ошириш истиқболларини MS Excel дастурида кўп омилли корреляцион боғланиш орқали прогноз қилиш мумкин. Масалан, монетар сиёсат воситалари ҳисобланадиган мажбурий захиралар меъёри ва қайта молиялаштириш ставкасининг жами кредитлар ҳажмига таъсирини кўриш мумкин. Бунда хусусий ҳол сифатида ушбу омилларнинг узоқ муддатли (инвестицион) кредитларга таъсирини кўриш етарли. Бунинг учун нисбатан барқарор давр ҳисобланган 2005-2013 йиллардаги мажбурий захиралар меъёри, қайта молиялаштириш ставкаси ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми ўзгариш динамикасидан фойдаланамиз(3.1-жадвал).

3.1-жадвал

**3.1-жадвал. 2005-2013 йилларда қайта молиялаш ставкаси, мажбурий захиралар меъёри ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми ўзгариш динамикаси.**<sup>23</sup>

Йиллар	Қайта молиялаш ставкаси,%	Узоқ муддатли депозитлар учун мажбурий захиралар меъёри (%)	Жами узоқ муддатли кредитлар ҳажми (млрд. сўм)
1	2	3	4
2005 й.	14,3	15	3178,3
2006 й.	14	15	3325,5
2007 й.	14	13	3715,5
2008 й.	14	15	4987,2
2009 й.	14	10,5	6705
2010 й.	12	10,5	8992,6
2011 й.	12	10,5	8861,9
2012 й.	12	10,5	12020,7
2013 й.	12	10,5	15661

Ушбу жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган ва прогноз қилинган.

сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” номли ахборотидан олинган, унда тижорат банкларининг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса, 76,8 фоизни ташкил қилиши кўрсатилган. Шунга кўра ушбу жадвалнинг 4-устунидаги маълумотлар банкларнинг жами кредит портфелини узоқ муддатли кредитлар улушига кўпайтириш орқали топилган. Ушбу жадвал маълумотлари кейинчалик регрессион таҳлил ва регрессия тенгламасини топиш учун хизмат қилади. Бунда ўзгарувчи омил сифатида қайта молиялаш ставкаси ва узоқ муддатли депозитлар учун мажбурий захиралар меъёри олинган. Фақатгина узоқ муддатли депозитлар учун мажбурий захира меъёрининг омил сифатида танланганига сабаб, айнан узоқ муддатли депозитларгина узоқ муддатли кредитларни бериш учун замин яратади. Натижавий омил сифатида эса узоқ муддатли кредитлар олинган, чунки узоқ муддатли кредитлар иқтисодий ривожланишга катта таъсир кўрсатадиган инвестицион манба ҳисобланади.



Ушбу прогноз натижаларидан кўриш мумкинки, узоқ муддатли, инвестицион кредитларга монетар сиёсат воситаларининг таъсири тескари боғлиқликда ва узоқ муддатли кредитларнинг омиллар билан боғлиқлик функцияси  $y=47935,43-2194,98X_1-515,7X_2$  кўринишда. Бу функцияда  $X_1$  – қайта молиялаш ставкаси,  $X_2$  – мажбурий захиралар меъёри. Ушбу функция тузилишидан кўриш мумкинки, омиллар қиймати қанчалик пасайса, кредитлар ҳажми шунчалик ортиб боради. Лекин бу давлат иқтисодий сиёсати ҳисобланганлиги туфайли, ушбу омилларни кўпайтириш ёки камайтириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Монетар сиёсат воситаларининг кредитлар ёки пул таклифи миқдorigа қанчалик таъсирини биргина мисолда кўриш етарли. Айтайлик, 2013 йилда Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси 12 %дан 11 %га, мажбурий захиралар меъёри(узоқ муддатли депозитлар учун) 10,5 %дан 9,5% га туширилганда узоқ муддатли кредитлар ҳажми


$Y=47935,43-2194,98 \times 11-515,7 \times 9,5=18891,5$  млрд. сўм бўлади. Демак, монетар сиёсат воситаларининг 1 % га камайтирилиши оқибатида 2013 йилда жами узоқ муддатли кредитлар ҳажми 18891,5 млрд. сўмгача ёки 2012 йилга нисбатан 20,6 %га кўпайишига олиб келди.

## **2. Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда монетар сиёсат механизмларини такомаллаштириш чора тадбирлари.**

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал номутаносибликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан банк-молия тизими муттасил барқарор ривожланаётгани хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати самарадорлиги мамлакатдаги пул бозорининг

қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг очик бозор операциялари, қайта молиялаштириш сиёсати, шунингдек, валюта итервенцияси мос равишда бевосита пул бозорининг таркиби ҳисобланган қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари бозори, банклараро кредитлар бозори ва валюта бозорида амалга оширилади. Пул-кредит сиёсатининг ҳаракат механизми ва воситаларининг амал қилишини қуйидаги расмда кўриш мумкин(3.1-расм).



3.1-расм. Пул-кредит сиёсатининг ҳаракат механизми ва воситалари<sup>25</sup>

<sup>25</sup> А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. “оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий иушунчалари”. Т.: “Иқтисодиёт” – 2009 й. 84-б.

Ушбу расмда пул-кредит ричагларида фойдаланган ҳолда пул таклифига, ссуда фоиз ставкасига, инвестицион фаолиятга ва булар орқали иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этиш механизми келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, Республикамиз жорий валюта бозорида ликвидликни таъминлашда Марказий банкнинг монетар сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, монетар сиёсат инструментларининг самарадорлигини янада ошириш ва кўрилатган чора-тадбирларнинг пул бозорининг ҳолатига таъсирини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши лозим.

Банк тизими ликвидлигини домий равишда мониторинг қилиб бориш доирасида тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб варағидаги ва бошқа юқори ликвидли активларининг ҳаракати таҳлил қилиб бориш ва уларнинг энг мақбул даражада бўлишини таъминлаш учун Марказий банк томонидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириш лозим.

Мажбурий резервлар нормаси банк тизимининг ликвидлик даражаси, пул массасининг ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

Шунингдек, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимининг олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида, тижорат банкларининг маблағларини Марказий банкдаги турли муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Банк тизимида вақтинчалик ликвидлик етишмовчилиги юзага келган ҳолларда Марказий банк томонидан ликвидлик билан таъминлаш инструментларидан, хусусан:

Марказий банк томонидан тижорат банкларидан хорижий валютани (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг), белгиланган муддат

ва алмашинув курсида қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш операциялари - валютавий СВОП операцияларидан фойдаланилади.

Шунингдек, ички валюта бозоридаги барқарорликни ва сўмнинг алмашув курсининг белгиланган коридор доирасида бўлишини таъминлаш мақсадида, Марказий банк банклараро валюта бозорида олди-сотди операцияларини амалга оширади.

Марказий банк, зарур ҳолларда, пул бозорида сўнгги инстанциядаги кредитор сифатида, тижорат банкларига уларнинг ликвидлигини сақлаш мақсадида, қисқа муддатли кредитлар ажратади.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш тизимини бозор тамойиллари асосида янада такомиллаштириш фоиз сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва пул бозорида фоиз хатарларини пасайтириш имконини беради.

Давлатимиз Марказий банкнинг монетар сиёсатини амалга оширишда ҳам кредит сиёсатидаги тамойилларга амал қилиб, асосий эътиборни юқори технологик ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиришга қаратмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Республикамиз томонидан жалб қилинаётган хорижий инвестиция маблағлари биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасига ва муҳим ижтимоий соҳаларга йўналтирмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида конвертациялашнинг бутун оғирлиги ушбу манбалар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳозирги бозор иқтисодиётида катта валюта тушумлари асосан юқори технологияли экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ҳисобига таъминланади. Шунинг учун, ҳукумат ва Марказий банкнинг мустақиллик йиллари ва бугунги кундаги сиёсати айнан шундай экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз нутқларидан бирида: «Фақат иқтисодиётимизнинг асосий ва етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширсаккина, маҳсулотимиз экспорти ўсишига

эришишимиз, тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашимиз ва шу билан иқтисодий мустақиллигимизни кафолатлашимиз мумкин», дея таъкидлаган эдилар. Масала шу тарзда қўйилганда миллий валютани конвертациялашда юқори технологияли ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва экспортдан олган даромадларнинг бир қисмини мамлакатимиз иқтисодиётига қайта инвестиция қилаётган қўшма корхоналарга устунлик берилади. Бошқача айтганда, валюта ресурслари биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва технологиялар билан шуғулланаётган корхоналарга берилмоқда.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан ташқи омиллар ҳисобига пул массасининг асоссиз ўсишини ва уларнинг инфляция даражасига таъсирини олдини олиш мақсадида 2013 йилда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилиши давом эттирилади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий маблағлар билан таъминлаш ҳамда жаҳон бозорида нархлар ўзгаришининг ички бозорга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни жамлаш давом эттирилади. Бу, ўз навбатида, пул массасини мақсадли чегарада ушлаб туришга хизмат қилади.

2013 йилда валюта сиёсати республикамызда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган экспортни рағбатлантиришга ва ички бозорда ташқи омиллар ҳисобига нархлар ўсишини камайтиришга қаратилади. Ушбу мақсадда 2013 йилда валюта алмашув курсининг мақсадли коридор доирасида бўлиши таъминланади. Бунда, асосий эътибор сўмнинг реал эффектив алмашув курси динамикасига қаратилади. 2013 йилга белгиланган асосий пул-кредит кўрсаткичларининг параметрлари реал эффектив алмашув курсининг пасайишини таъминлаб, экспортнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва молия бозори барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк очик бозордаги операцияларни амалга ошириб боради. Хусусан, банк тизимида ортиқча ликвидлик юзага келган ҳолларда, тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш ва давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш билан боғлиқ операциялар амалга оширилади.

2012 йилда банк тизимининг устувор вазифалари Инқирозга қарши чоралар дастурида жорий йилга белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, қўшимча равишда банк акцияларини муомалага чиқариш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг узок муддатли ресурс базасини кенгайтириш, банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги фаоллигини янада кучайтиришдан иборат бўлади.

Ўз навбатида Марказий банкнинг фаолияти банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади, хусусан: иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

### III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий бинкининг монетар сиёсати ўзига хос хусусиятларга эгадир. Эркин сузиб юривчи валюта курслари тизимида Марказий банкнинг пул-кредит ва валюта сиёсатининг иқтисодиётга таъсири капиталларни экспорт ва импорт қилишни рағбатлантиришда намоён бўлади. Бунинг мазмуни миллий валюта курсини барқарор сақлаб туриш билан белгиланади. Миллий валюта курсини барқарор ушлаб туриш учун эса, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига олтин-валюта захираларини бошқариш топширилган. Сўмнинг нисбий барқарорлигига фақат макроиқтисодий кўрсаткичларни бир маромга етказилгандагина эришиш мумкин.

Мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини оқилона ташкил этилиши, барча тармоқ ва соҳаларнинг самарали амал қилиши ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ривожланган давлатларда пул-кредит сиёсатини, пул муомаласи ва миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаш ҳамда валюта сиёсатини юритиш бўйича тўпланган кенг ва бой тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни миллий иқтисодиётга татбиқ этиш лозим. Бунда пул-кредит тизими инструментларидан фойдаланган ҳолда мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий субъектларнинг юқори технологик ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиришга рағбат бериш ҳисобига мамлакатда ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш, тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашда банк тизимининг ролини ошириш каби вазифалар ҳал қилиш лозим.

## Хулоса.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустақкам позицияларга эга ҳисобланади. Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, узок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналиш - бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ҳамда банк тизимининг ликвидлигини таъминлашдан иборатдир.

Банклар ҳар қандай жамиятда иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминловчи механизмнинг асосий бўғинларидан бирини ташкил этиб, уни, агар таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётнинг қон томирларига қиёслаш мумкин. Ушбу томирлардаги қон, яъни пул маблағларининг ҳаракатини бир маромда тутиб туриш, уни қисқа муддатга бўлса ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик, ундаги босимни, яъни пулнинг қадрини ҳам бир маромда сақлаб туриш вазифаси унинг «юраги» бўлган Марказий банк зиммасидадир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки қадамларидан бошлаб Марказий банк олдида ўта мураккаб вазифа – бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли амал қила оладиган банк тизимини шакллантириш, ушбу тизимнинг таркибий қисми бўлган тижорат банклари фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатларини яратиш вазифаси турар эди.

1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун ва 1996 йил 25 апрел куни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар

ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилниши билан мамлакат банк тизимининг ривожланиши учун халқаро андозаларга мос қонунчилик вужудга келтирилди.

Марказий банк томонидан янги шароитларга жавоб берадиган, тижорат банклари томонидан ўз миқозларига бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда хизмат кўрсатишига имкон берадиган тамоман янги меъёрий база ҳам вужудга келтирилди.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари тизимида Марказий банк валюта сиёсатининг иқтисодиётга таъсири капиталларни экспорт ва импорт қилишни рағбатлантиришда намоён бўлади. Бунинг мазмуни, миллий валюта курсини барқарор сақлаб туриш билан белгиланади. Миллий валюта курсини барқарор ушлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бош мақсади бўлиб ҳисобланади.<sup>26</sup> Шу жиҳатдан, Марказий банкка олтин-валюта захираларини бошқариш юклатилган.

Мамлакатнинг олтин-валюта захираларини бошқариш захира активлари таркибини такомиллаштириш мақсадида диверсификация қилинади. Олтин-валюта захираларини уларнинг хавфсизлиги ва диверсификация асосида бошқариш юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул-кредит ва валюта сиёсатининг асосий вазифаси миллий валютаамизни бошқа давлатларнинг қаттиқ валюталарига алмашилишини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, тўлов балансининг жорий операциялари бўйича мавжуд чекловларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун дунё тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, биринчи навбатда чет эллик ҳамкорларни қизиқтириш ва улар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида иш олиб бориш мақсадида уларга кўпроқ қулайликлар яратиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни валюта муносабатлари орқали тартибга

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни, 3-модда.Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.

солиш жараёнларида Марказий банкнинг тутган ўрни ва мавқеи иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида, мамлакатимиз учун долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда республикаимиз пул-кредит тизимини ривожлантириш борасида қуйидагиларни тақлиф қилиш мумкин:

➤ Банк-молия тизимида хизматлар хилма-хиллигини ошириш, жаҳон андозаларига мослаштириш;

➤ Аҳоли ва юридик шахсларнинг банк тизимига ишончини ошириш, банк-мижоз алоқаларини тартибга солувчи ҳужжатлар тизимини соддалаштириш ва электронлаштириш;

➤ Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини камайтириш ва ушбу маблағларни банк депозитларига жалб этиш борасида тегишли дастурлар ишлаб чиқиш;

➤ Пул-кредит тизимида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш;

➤ Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орасидаги сунъий тафовутни камайтириш, бунинг учун ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўлароқ қондириш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлайман.

## Адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни, Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил 25 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, Т.: “Ўзбекистон” 2003 йил 11 декабр.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги ПК-1317-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури 2011 йил 7 февралдаги ПК-1474 сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 6 апрельдаги ПК-1090 сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПК-1442 сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПФ-1438 сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 28 июлдаги ПФ-1166 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2006 йил 2 августдаги ПФ-433 сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2005 йил 15 апрелдаги ПФ-57 сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 2011 йил 27 декабрдаги 1668-сонли Қарори.

15. Марказий банк Бошқарувининг 26.12.2009 й. 38/4-сон "Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида томонидан 20.01.2010 й. 949-5-сон билан рўйхатга олинган.

16. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир Йўриқнома [Янги тахрир] Ўзбекистон Республикасида Адлия Вазирлигида 27.06.2008 й. 1831-сон билан рўйхатга олинган.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

18. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.-Т.: Ўзбекистон, 2009.

### **IV. Асосий адабиётлар**

19. Ишмухаммедов А. Джумаев З.А. ва бошқ. “Макроиқтисодиёт”, Т.: 2005. 173-б.

20. Шодмонов Ш.Ш., Яхшиева М.Т., Юсупов Р.А. Пул назарияси: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2009.

21. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2010.

### **V. Қўшимча адабиётлар**

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. – 2013.

23. А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. “Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалари”. Т.: “Иқтисодиёт” – 2009 й.

### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўплам ва ҳисоботлар**

24. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги(1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва

кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари:  
статистик тўплам.-Т.: “Ўзбекистон” 2011.

25. Ўзбекистон иқтисодиёти статистик маълумотлар тўплами-Т.: 2010-  
2012.

26. Бозор, пул ва кредит журнали.

27. Банк ахборотномаси газетаси.

## VII. Интернет сайтлари

28. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) (Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
матбуот хизмати)

29. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

30. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси)

31. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт  
вазирлиги)

32. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

33. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)

34. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)